Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

ГАЗЕТА 1966 ЙИЛ 1 ИЮЛДАН ЧИҚА БОШЛАГАН. • № 113 (6. 004) • 1986 йил 17 май, шанба • Баҳоси 3 тийин.

## КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросида

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси 15 май куни бўлиб ўтган мажлисида СССР экономикасини 1986—1990 йилларда ҳамда 2000 йилгача бўлган даврда интенсив ривожлантириш шароитида хом ашё, ёқилғи-энергетика ресурсларидан ва бошқа моддий ресурслардан фойдаланишни тубдан яхшилаш тўғрисидаги масалани кўриб чиқди. КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг шу масалага доир қарорида фан ва техника ютуқларидан фойдаланиш, чиқитсиз технологияларни жорий қилиш, ишлаб чиқаришнинг иккиламчи ресурслари ва чиқитларини ишлатишни кенгайтириш ҳисобига ресурсларни тежаш юзасидан партия бошлаган йўлни амалга оширишга оид тадбирларнинг кенг комплекси баён этилган. Министрликлар ва идораларнинг, иттифоқдош республикалар Министрлар Советларининг вазифалари белгилаб берилди, бу вазифаларнинг бажарилиши КПСС XXVII съездининг қарорларида миллий даромад ҳосил қилиш учун энергия, металл ва материал сарфлашни камайтириш юзасидан белгиланган режаларнинг рўёбга чиқарилишини таъминлайди. Шу мақсадда хўжалик механизмининг тежамкорлик режимини мустаҳкамлашга таъсирини кучайтириш, корхона раҳбарларининг ва бошқа мансабдор шахсларнинг ресурслардан фойдаланиш қоидаларини бузиш ҳоллари учун масъулиятини ошириш, тежамкорлик учун социалистик мусобақани янада ривожлантиришни таъминлаш, барча поғоналардаги тарбиявий ишни кучайтириш, халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида ресурсларнинг тежалиши учун курашда партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг, оммавий ахборот воситаларининг ролини ошириш кўзда тутилди.

Сиёсий бюро коллектив боғдорчилик ва полизчиликни янада ривожлантириш, коллектив боғларидаги боғ участкаларини йилига 1—1,2 миллионтага кўпайтиришни таъминлаш юзасидан белгиланган тадбирларни маъқуллади. Боғдорчилик уюшмаларини ва полизчилар коллективларини мевали дарахтларнинг, резавор, сабзавот ва гулларнинг кўчатлари ҳамда уруғликлари билан таъминлашни ташкил қилиш СССР Агросаноат давлат комитети ва унинг жойлардаги органлари зиммасига юклатилади. Аҳолига сотиш учун уйчалар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, келгуси йилдан бошлаб аҳолининг асосий турдаги бинокорлик материалларига бўлган талабини тўла-тўкис қондиришни таъминлаш белгиланди.

СССР Министрлар Советининг саноат бирлашмалари, корхоналари ва ташкилотлари раҳбарларининг штатларни тасдиқлаш соҳасидаги ҳуқуқларини кенгайтириш тўғрисидаги таклифлари қўллаб-қувватланди. Шу мақсадда раҳбарлар, инженер-техник ходимлар ва хизматчиларнинг иш ҳақи фондини норматив планлаштиришни жорий қилиш, иш ҳақи фонди маблағларининг оқилона сарфланиши учун коллективлар раҳбарларининг жавобгарлигини кучайтириш кўзда тутилади. Мана шу чора-тадбирларнинг ҳаммаси бошқарув аппарати ишининг самарадорлигини оширишга, унинг структураси ва штатларини тартибга солишга кўмаклашиши лозим.

Сиёсий бюро КПСС делегациясининг Германия Коммунистик партияси VIII съездидаги иштироки тўғрисида ўртоқ Б. Н. Ельциннинг ахборотини тинглаб, делегация қилган ишни, Г. Мис билан ва ГКПнинг бошқа раҳбарлари билан ўтказилган суҳбатларнинг якунларини маъқуллади. Иккала қардош партия ўртасидаги алоқаларни пролетар интернационализми асосида, халқаро ишчилар ҳаракати идеалларининг тантанаси манфаатларини кўзлаб, янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш муддаоси изҳор этилди.

СССР Олий Совети делегациясининг Польша Халқ Республикасига қилган сафари тўғрисида ўртоқ М. В. Зимяниннинг ахбороти кўриб чиқилди. Давлат ҳаёти, иқтисодий ва маданий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида мамлакатларимиз ўртасидаги қардошларча ҳамкорлик муносабатлари самарали ривожланаётганлиги мамнуният билан қайд этилди.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси ички ва ташқи сиёсатнинг бошқа бир қанча масалаларини муҳокама қилиб, улар юзасидан қарорлар қабул этди.

## КПСС XXVII СЪЕЗДИ БЕЛГИЛАГАН ЙЎЛДАН

**Йиллик план—муддатидан илгари**

## Шаҳар индустрияси одими

Шаҳар саноат корхоналарининг коллективлари 1986 йил ва ўн иккинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли адо этиш учун социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдириб, реализация ҳажми ва халқ хўжалиги буюмларининг асосий турларини ишлаб чиқариш бўйича шу йилнинг январь—апрель ойлари давлат планини муддатидан илгари бажардилар.

Тошкент шаҳар статистика бошқармасининг маълумотига қараганда, шаҳар индустрияси саноат маҳсулоти реализация қилиш тўрт ойлик планини 102,1 процент, товар маҳсулот ишлаб чиқариш планини 102,7 процент адо этди. Меҳнат унумдорлиги бўйича план 2,7 процент ортиғи билан бажарилиб, бунинг эвазига қўшимча 29.790 минг сўмлик товар маҳсулот олинди. Ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 106,5 процентни ташкил этди, меҳнат унумдорлиги 1985 йилнинг январь—апрель ойларига нисбатан 5,4 процент ўсди. Ишлаб чиқариш ҳажми ўсишининг 84,6 процентига меҳнат унумдорлигини юксалтириш эвазига эришилди; маҳсулот таннархининг планга қўшимча арзонлашуви 0,4 процентни ташкил этди.

Таъминот бўйича шартнома мажбуриятларининг бажарилишини ҳисобга олган ҳолда маҳсулот реализация қилиш январь-апрель ойлари плани 99,0 процент бажарилди.

Шаҳар индустрияси шу йилнинг январь-апрель ойларида мамлакат халқ хўжалигига планга қўшимча 178 километр шланг ва симлар, 89 километр сигнал блокировка симлари, 19 компрессор, 18 ростлаш машинаси, 85 трактор, 1 электр кўприк крани, 35 пахта териш комбайни, 10 экскаватор, 76 чигит экиш сеялкаси, 16 чанглагич-пуркагич, 95 тонна қоғоз, 320 минг дона ички ва устки трикотаж буюмлари, 41 минг жуфт пайпоқноски буюмлари, 17 минг жуфт пойафзал, 3.268 тонна омухта ем, 309 тонна макарон маҳсулотлари, 18 тонна маргарин ва бошқа буюмлар етказиб берди.

1986 йилнинг январь-апрель ойларида Тошкент саноати планга қўшимча 28 миллион 442 минг сўмлик маҳсулот реализация қилди. Шу жумладан, планга қўшимча Акмал Икромов району 2083 минг сўмлик, Киров райони 1881 минг сўмлик, Куйбишев райони 4006 минг сўмлик, Ленин райони 2097 минг сўмлик, Октябрь райони 1413 минг сўмлик, Собир Раҳимов райони 1721 минг сўмлик, Сергели райони 736 минг сўмлик, Фрунзе райони 1.136 минг сўмлик, Ҳамза райони 12.094 минг сўмлик, Чилонзор райони 1233 минг сўмлик маҳсулот тайёрладилар.

Ленин, Киров, Ҳамза, Акмал Икромов районлари;

— «Сигнал» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Матбуот» полиграфия, «Узвторцветмет» бирлашмалари;

— трактор, «Компрессор», «Миконд», «Средазавтоматика», асбобсозлик, лак-бўёқ заводлари;

— кенг истеъмол буюмлари, «Ўртоқ» кондитер, тамаки фабрикалари;

— абразив, пардозлаш трестининг қурилиш материаллари комбинати ва бошқалар ишлаб чиқариш ҳажмини ўстиришда энг юксак суръатларга эришдилар;

Бироқ шаҳарнинг бир қатор корхоналари саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш бўйича тўрт ойлик топшириқни уддалашолмади. Булар қаторида 1-пойафзал фабрикаси, (600 минг сўмлик маҳсулот етказиб бермади), каноп фабрикаси (235 минг сўмлик), «Трансстрой»нинг ишлаб чиқариш корхоналари комбинати (100 минг сўмлик), «Геологоразведка» заводи (71 минг сўм), бош кийимлар фабрикаси (56 минг сўмлик), республика соғлиқни сақлаш министрлигининг кислород заводи (35 минг сўмлик), «Проекттехналадка» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси (10 минг сўмлик) каби корхоналар бор.

Шаҳарнинг уч корхонаси товар маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми бўйича тўрт ойлик топшириқни бажара олмади.

Шаҳарнинг барча ишлаб чиқариш коллективлари КПСС XXVII съезди йилида халқ хўжалик планларини муваффақиятли адо этиш учун социалистик мусобақага қўшилиб, меҳнат унумдорлигини топшириққа қўшимча камида 1 процент ўстириш, маҳсулот таннархини планга қўшимча 0,5 процент арзонлаштириш мажбуриятини қабул қилдилар. Шуниси муҳимки, шаҳарнинг барча саноат районлари меҳнат унумдорлиги бўйича белгиланган кўрсаткичларини анча ошириб бажардилар. Бироқ саноат маҳсулоти таннархини пасайтириш юзасидан мажбуриятларни ҳамма районлар бажарди деб бўлмайди. Булар қаторида Ҳамза, Собир Раҳимов, Октябрь районлари бор. Бу ерда ана шу кўрсаткич 0,1 ва 0,2 процентни ташкил этди. Куйбишев райони индустрияси бўлса товар маҳсулот таннархини арзонлаштиришда маблағларнинг нормативдан ортиқча сарфланишига йўл қўйди.

Районларда январь-апрель ойларида план интизоми анча яхшиланди. У билан боғлиқ бўлган маҳсулот етказиб бериш мажбуриятларининг бажарилишини ҳисобга олган ҳолда маҳсулот реализация қилиш даражаси шаҳар бўйича 99,0 процентни ташкил этди. Бироқ Собир Раҳимов, Октябрь, Акмал Икромов районларида бу кўрсаткич 97,4 — 97,7 процентни ташкил этди.

Меҳнат календарида май ойи ўрталаб боряпти. Бу ишлаб чиқаришда муҳим бўлган, аслида ярим йиллик планнинг бажарилишини белгилайдиган ойдир. Май ойидаги меҳнатни ташкил этиш даражаси кўп жиҳатдан эришилган суръатни сақлашга боғлиқ. Ишлаб чиқаришдаги қолоқ участкаларни илғорлар сафига олиб чиқиш лозим. Шу кунларда ташкилий-техник тадбирлар, янги техника, илғор технологияни жорий этиш юзасидан ярим йиллик планларнинг бажарилишига алоҳида эътибор бериш керак.

Ишнинг манфаатлари ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаштириш ишларини изчил амалга ошириб, шу асосда меҳнатни интенсивлашга эришиш, КПСС XXVII съезди қарорларида талаб этилганидек иш жойларида юксак интизом, тартибни қарор топтиришни тақозо этади.

## Замондошимиз



«Ташсельмаш» заводи коллективи пахтакорларга «зангори кема»ларнинг янги хилларини етказиб бериш йўлидан бормоқда. Бу техника деҳқонларнинг оғир юмушларини енгиллатишга катта ёрдам беряпти. Корхонада кўп йиллик тажрибага эга бўлган уста ишчилар билан ёшлар ҳам ёнма-ён меҳнат қилишади. Уларнинг орасида Тамара Айменова ҳам бор. Силлиқловчилик касбини эъзозлаётган бу қиз вазифасини сидқидилдан бажариб, 14-цех коллективи эришаётган ютуқларга салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Тамара Айменовани меҳнатсеварлиги, топшириқни ҳалол ва виждонан бажариши туфайли бутун коллектив ҳурмат қила бошлади. Яқинда у КПСС аъзолигига кандидатликка қабул қилинди. Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда Тошкент политехника институтида таълим олмоқда. Ҳа, уни ҳақиқий замондошимиз десак бўлади. Салмоқли меҳнати билан социалистик хўжалик тараққиётига муносиб ҳисса қўшяпти, айни пайтда ўзи ҳам камол топиб бормоқда.

Т. Каримов фотоси.

## Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетида

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети 15 май куни бўлиб ўтган навбатдаги мажлисида соғлиқни сақлаш, социал-маданий ва маиший объектлар қурилишидаги камчиликларни бартараф этиш, қўшимча бинолар ва иморатларни ўз вақтида фойдаланишга топшириш билан боғлиқ конкрет тадбирларни белгилади.

Ушбу масалани муҳокама қилиш чоғида барча меҳнат ва моддий ресурслар давлат планининг сўзсиз бажарилиши бўйича собитқадам ишга зудлик билан сафарбар этилиши зарурлиги яна бир бор таъкидланди.

Чунончи, иш юритиш графигига биноан қурилишларни ишчи кучи, жиҳозлар, материаллар ва конструкциялар билан комплектлаш кўзда тутилди. Нормал иш маромини вужудга келтириш, бунда бажарилаётган ишлар сифатига алоҳида эътибор қаратмоқ лозим. Халқ депутатлари район Советларининг ижроия комитетлари социал-маданий ва маиший объектлар қурилишининг боришини мунтазам назорат қилишлари, қурилиш майдонлари ўз вақтида бўшатиб берилиши, қурилишларда ишчилар таъминоти борасида ёрдам кўрсатишлари керак. Бу иш натижалари шу йилнинг июль ойида ярим йиллик якунлари бўйича ижроия комитетда кўриб чиқилади.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети ўн тўққизинчи чақириқ халқ депутатлари шаҳар Советиниг бешинчи ва олтинчи сессияларида билдирилган истаклар, таклифлар ва танқидий мулоҳазаларнинг амалга оширилиши бўйича тадбирларни тасдиқлади. Ижроия комитетнинг тадбирларида Тошкент шаҳрини 1986 — 87 йиллар куз-қиш шароитида ишлашга тайёрлаш, КПСС XXVII съезди талаблари асосида шаҳар хўжалик механизмини социал йўналтиришни кучайтириш бўйича комплекс тадбирларни амалга ошириш фан-техника тараққиёти ва бошқарув билан боғлиқ масалалар ўз аксини топди. Белгиланган тадбирлар бажарилишининг боришини назорат қилиш шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосарларига юкланди.

Шаҳар аҳолига маиший хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг 1986 йил биринчи кварталдаги социалистик мусобақасига якун чиқарилди. «Зангори экран» ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи аҳолига хизмат кўрсатиш ҳажми бўйича планни 100,2 процент бажариб, энг яхши натижаларга эришди.

Тошкентдаги «Техсложбитприбор» ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ҳажми бўйича планни 100,5 процент бажариб, яхши натижаларга эришди.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети ва Тошкент область касаба союзлари Совети кўчма Қизил Байроқ ва биринчи пул мукофотини «Зангори экран» ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи (директори Б. Абдумажидов, партия ташкилоти секретари А. Расулов, касаба союз комитети раиси В. Колтаев)га беришга қарор қилди.

Диплом ва иккинчи пул мукофоти «Техсложбитприбор» ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи (директори А. Азимов, партия ташкилоти секретари А. Тиллахўжаев, касаба союз комитети раиси М. Худойбердиева)га берилди.

«Тошкент гуллари» фирмаси коллективининг яхши ишлаганлиги қайд этилди.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг мажлисида, шунингдек, шаҳарнинг социал-иқтисодий ривожланишини жадаллаштириш билан боғлиқ бошқа масалалар муҳокама қилинди.

**Қардошлик қонунига биноан**

## Ташаббус оммалашмоқда

**Чернобиль атом электр станциясида содир бўлган авария оқибатларини бартараф этишда ёрдам бериш ҳақидаги республикамиз пойтахти ишлаб чиқариш илғорлари ва меҳнат коллективларининг ватанпарварлик ташаббуси кун сайин оммавий тус олмоқда. Мушкул аҳволда қолган қардошларга ёрдам беришни ҳар бир тошкентлик ўз бурчи деб билмоқда.**

**КЕЧА**

**Улуғ Ватан уруши қатнашчилари М. Абдуллаев, Д. Мазницин, Н. Полишчук, Ф. Тансура, Р. Толипов, Х. Ваҳобов ва Н. Рихсиевлардан иборат группа Фрунзе район партия комитетига ташриф буюрди. Улар кутилмаганда рўй берган офатдан жабрланган украин қардошларга ёрдам кўрсатиш истакларини маълум қилдилар. Фронтчи ветеранларнинг хайрли ибрати қизғин қўллаб-қувватланди. 904-счётга уруш қатнашчиларининг 95 сўм дастлабки ёрдам пули ўтказилди.**

***

**Тошкент ўйинчоқлар фабрикасида ишловчи шаҳар партия комитети аъзоси Марзия Маҳкамова ва Марина Фахрутдинова бошчилигидаги комсомол-ёшлар бригадаси фабрика маъмуриятига чиқиб, 24 май кунини тўла иш куни деб эълон қилишга, ишлаб топилган барча маблағни чернобилликларга ёрдам фондига ўтказишни таклиф этдилар. 24 май шанба куни қўғирчоқсозлар 35 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга ва ишлаб топилган маблағдан 3.109 сўмга турли ассортиментдаги болалар ўйинчоқларини харид қилиб, Чернобиль АЭСи меҳнаткашларининг фарзандларига жўнатишга қарор қилдилар.**





## Шарафли бурч

**Ҳарбий ҳаёт бўсағасида**

Тошкент ҳарбий комиссариатларида қизғин дамлар ўтмоқда. Шу кунларда ёшлар ҳарбий хизматга чақириляпти. Меҳнат коллективларида, ўқув юртларида йигитларни Армия сафига кузатиш маросими бўлмоқда.

**КЕЧА**

**14 Туркистон комиссари ёдгорлиги олдида тошкентлик йигитларни тантанали равишда ҳарбий хизматга кузатиш маросими бўлди. Уруш ва меҳнат ветеранлари, ишлаб чиқариш илғорлари, студентлар, мактаб ўқувчилари ва армияга чақирилувчиларнинг ота-оналари иштирокида ўтган митинг шу муҳим воқеага бағишланди.**

Митингни Ўзбекистон ССР ҳарбий комиссари, полковник Ў. Р. Мўминов очди. Бу йилги баҳорги ҳарбий хизматга чақириш маросими мамлакатимиз меҳнаткашлари ҳаётидаги йирик воқеа—КПСС XXVII съезди йилида ўтмоқда, деди у. Съездда социализм ғалабаларини ҳимоя этишдаги совет Қуролли Кучларининг роли алоҳида таъкидланди. Тошкентликлар ўз ҳарбий бурчларини шараф билан бажаришган ва бажаришмоқда. Ўйлаймизки, бу йилги ҳарбий хизмат сафига йўл олаётган ёшларимиз ҳам, деди ҳарбий комиссар, ота-боболарининг анъанасининг муносиб давомчилари бўлишади.

Митингда 1942 йили Берлинни бомбардимон қилишда иштирок этган ҳарбий учувчи, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, Совет Иттифоқи Қаҳрамони, ёзувчи Борис Ермилович Тихомолов нутқ сўзлади. Қаҳрамоннинг бурчга, қасамёдга садоқат, Ватанга муҳаббат ҳақидаги сўзлари ёш қалбларни тўлқинлантириб юборди.

Сўнгра жангчи-интернационалист, икки марта Қизил Юлдуз ордени кавалери Анатолий Тимофеев сўз олди. Армияга чақирилувчилар олдида жиддий синов турибди, деди у. Бунда энг муҳими дастлабки кунданоқ интизомли бўлиш, командирларнинг барча буйруқ ва кўрсатмаларини сидқидилдан бажаришдир. Ўшанда муваффақият қозонилади.

Шунингдек кўп сонли митинг қатнашчилари ҳузурида жанговар ва сиёсий тайёргарлик аълочиси сержант У. Шукуров, шаҳар комсомол комитетининг секретари Ф. Латипова, ҳарбий чақирилувчи онаси Д. Йўлдошевалар сўзга чиқишди. Ҳарбий хизматга чақирилувчилар номидан К. Черкасов сўзга чиқиб, митингда иштирок этган барча кишиларни тошкентлик йигитлар Ватанга садоқат билан хизмат қилиб, совет халқининг фаровон турмуши ва тинч меҳнатини сергак туриб ҳимоя қиладилар, деб ишонтирди. Митинг бўлажак жангчиларнинг 14 Туркистон комиссари ёдгорлиги пойига гуллар қўйиши билан якунланди. Ҳарбий оркестр садолари остида улар тантанали равишда хизматга йўл олдилар.

Митингда Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Б. Ф. Сатин қатнашди ва сўзга чиқди.

**СУРАТЛАРДА: тошкентлик йигитларни армия сафига кузатишга бағишланган митингдан лавҳалар.**

**Қандай дам олмоқчисиз?**

## Оромгоҳлар чорлайди

**КЕЧА**

Шумилов номли маданият ва истироҳат боғида (соат 16.00 да) Ҳамза райони мактаблари ёш мухбирларининг «Пионер Востока» газета редакцияси коллективи билан ижодий учрашуви ўтказилди. Бу тадбир «Пионерларнинг садоқатли дўсти!» деб аталган.

**БУГУН**

соат 17.00 да Толибжон Содиқов номидаги маданият уйи дам олувчиларни ўз масканига чорлайди. Темирйўлчилар маданият саройида бу маданият уйи ташкил этилганлигининг 30 йиллиги ва унга халқ ҳаваскорлик филармонияси номи берилганлигининг 25 йиллигига бағишлаб кеча ўтказилади. Бу оқшомга дастлабки йилларда маданият уйи тўгаракларида қатнашган, эндиликда эса етук артистлар бўлган санъаткорлар ва кўплаб томошабинлар таклиф этилган. Бу ерда Т. Хомяков раҳбарлигида рус халқ чолғу асбоблари оркестри узоқ йиллардан буён ишлаб турибди. Янги коллектив —ўзбек халқ чолғу асбоблари оркестри ўзининг дастлабки концертини намойиш қилишга тараддуд кўрмоқда.

Тельман номли маданият ва истироҳат боғида ўзбек совет композитори Сулаймон Юдаков туғилган куннинг 70 йиллигига бағишланган муаллифлик музика оқшоми ташкил этилади.

Якшанба куни Ҳамза районидаги «Ровесник» маданият уйида В. В. Маяковский асарлари асосида саҳналаштирилган янги спектакль намойиш этилади. Уни ёшлар театр студияси тайёрлаган.

Шу ҳафтанинг ўзида маданият уйларида, корхоналарда кўплаб тематик кечалар, адабий музикали композициялар ўтказилади, учрашувлар ташкил этилади, ҳаваскорлик коллективлари концерти берилади, оммавий сайллар ўтказилади, театр студиялари спектакллари намойиш этилади.




Маҳсулот сифати—корхона кўзгуси

# Инсон омилини активлаштириб

Ҳамза районидаги электромонтаж буюмлари заводи меҳнат коллективи ўн иккинчи беш йилликнинг дастлабки йили план-топшириқларини муддатидан олдин, декабрь ойига қадар бажаришга сўз берган. Ҳозирги пайтда корхона ишчилари ўз сўзларининг устидан чиқиш учун иш вақтининг ҳар бир дақиқасидан унумли фойдаланиб, маҳсулот сифатини янада оширмоқдалар.

Завод турар-жой биноларига ўрнатиладиган электр конструкциялари ва монтаж ускуналарини ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Корхона маҳсулотларини республикамизнинг деярли барча қурилиш ташкилотлари олади, десак янглишмаймиз. Мижозлар маҳсулотнинг сифатлилиги ва чидамлилиги учун ишчилар коллективидан доимо миннатдор. Шу боисдан мижозлар ҳам тобора кўпайиб бормоқда. Корхона ўз буюмларини республикамиздан ташқари, бир қанча чет эл мамлакатларига ҳам юбораяпти. Чет эллик мижозлар орасида Монголия Халк Республикаси, Вьетнам Социалистик Республикаси, Афғонистон Демократик Республикаси, Куба Республикаси, Эрон каби мамлакатлар бор.

Ҳозирги кунда коллектив КПСС XXVII съезди қарорлари асосида ишлаб чиқаришга фан-техника тараққиёти ютуқларини жорий этиш, инсон омилини активлаштириш орқали ишлаб чиқариш суръатлари оширилишига ҳаракат қилмоқда. Завод бригадалари ўртасида ўзаро социалистик мусобақа кенг авж олдирилган. Социалистик мусобақа ҳар ўн кунлик ва ойлик якунланиб, илғорлар рағбатлантирилиб борилади. Апрель ойида корхона ишчилари ҳар қачонгидан ҳам унумлироқ ва самарали меҳнат қилдилар. Коммунистик меҳнат зарбдори Марк Садикович етакчилик қилаётган бригада бу ердаги энг ташаббускор ва илғор бригада ҳисобланади. Бу коллектив майолди социалистик мусобақасига яккадиллик билан қўшилиб, бригадалар орасида биринчи ўринни эгаллади. Бригада ишчилари кўп қаватли уйлар учун электр ускуналари ишлаб чиқаради. Апрель ойи плани 112 процент қилиб бажарилди. Владимир Устименко бригадаси М. Садикович бригадаси билан мусобақалашиб ишлайди. Социалистик мусобақа ҳар иккала меҳнат коллективига кўпдан-кўп ютуқларга эришишига омил бўлаётир. Ишчилар смена топшириқларини ортиғи билан бажармоқдалар. Тайёрланган маҳсулот фақат аъло сифат билан қабул қилинмоқда. Шу билан бирга мазкур бригадаларнинг ишчилари заводдаги жамоат ишларида ҳам актив қатнашаётирлар.

Заводда ихтирочилик ва рационализаторлик ҳаракатини кенг кулоч ёйдиришга катта эътибор берилмоқда. Тажрибали ишчи-рационализаторлардан Владимир Герман ва Эвольд Аунопар ўзларининг бир қанча самарали рационализаторлик таклифлари билан чиқдилар. Бу таклифлар ишлаб чиқаришга жорий этилди. Натижада ишчилар камроқ вақт сарфлаб, кўпроқ ва сифатлироқ маҳсулот ишлаб чиқаришда қўшимча имкониятларга эга бўлдилар. Рационализаторлар эса завод дирекцияси ва касаба союз ташкилотининг фахрий ёрлиқ ва дипломлари билан тақдирландилар.

Ҳар бир корхонада ишлаб чиқаришнинг юксак сифатли ва самарали ташкил этилиши аввало ишчилар ва инженер-техник ходимларнинг иқтисодий билим даражасига, партия ва ҳукуматимизнинг ҳозирги иқтисодий сиёсатини қай даражада чуқур билишига боғлиқ. Шу боисдан ҳам корхонада ишчи ва инженер-техник ходимларнинг иқтисодий ўқувига катта эътибор берилаяпти.

Ташаббус кўрсатиб ишлаш, ҳамиша олдинги сафларда бўлиш корхонанинг кўпгина ишчиларига хос хислат. Коллективдаги пешқадам ишчилар Анатолий Бухтарёв, Олег Маҳмудов, Геннадий Яшчунин, Олег Муҳамадраҳимовларнинг турмуш тарзи, зиммасидаги вазифага муносабатини барчага ибрат қилиб кўрсатса арзийди. Бу ишчилар ўзларининг тиришқоқликлари, меҳнатсевар ва яратувчанликлари билан ўрнак бўлмоқдалар. Кунлик топшириқларини 120 — 130 процентга етказиб адо этаётган бу илғорлар коллективда биринчи бўлиб «Коммунистик меҳнат зарбдори» унвонига сазовор бўлдилар.

— Партия белгилаб берган жадаллаштириш программасини изчиллик билан амалга ошираётган корхонамиз ишчилари, —деди завод партия ташкилоти секретари Т. И. Куничкина,— XII беш йилликнинг биринчи йили бошланишидаёқ ажойиб ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Энг муҳим турдаги буюмларни ишлаб чиқариш юзасидан белгиланган апрель ойи плани 103,5 процент бажарилди. Ишчиларимиз ички резервларни излаш ва ишга солишда, фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий қилишда, тежамкорлик учун курашда ўз ташаббускорликларини ва фидокорликларини кўрсатмоқдалар. Бизда ҳар бир ишчи ўз ҳамкасби билан мусобақалашиб ишлайди. Бу жуда яхши самара бермоқда. Ҳозирги кунларда ишлаб чиқариш фондлари самарадорлигини ошириш асосий масала бўлиб турибди. Биз жонажон Коммунистик партиямиз ўртага ташлаган жадаллаштириш йўлига доимо риоя қиламиз ва уни амалга ошириш учун бутун чора-тадбирларни ишга соламиз. Бу ишда заводимиз коммунистлари доимо намуна бўладилар.

С. ИКРОМОВ.



Коммунист Анатолий Митрофанович Казеннихни Тошкент тепловоз депосида кўпчилик яхши билади ва ҳурмат қилади. У депонинг энг тажрибали, моҳир машинистларидан саналади. Анатолий Митрофанович ўтган беш йилликда Ўрта Осиё йўлларида тепловозни зўр маҳорат билан бошқариб, 60 тонна ёнилғини тежашга эришди. Бунинг учун у СССР темир йўллар министрлиги томонидан таъсис этилган махсус мукофотга сазовор бўлди. У юк ташиш бўйича тўрт ойлик топшириқни муддатидан аввал адо этди.

СУРАТДА: илғор машинист, коммунистик меҳнат зарбдори Анатолий Казенних.

М. Нуриддинов фотоси.

Дилфуза Абдумуталованинг 227-махсус ҳунар-техника билим юртини тамомлаб Тошкент тўқимачилик комбинатининг 4-йигирув-тўқув фабрикасида меҳнат қилаётганига 3 йил бўлди. У бу вақт мобайнида йигирувчилик касбини пухта эгаллаб олди. Ҳозирги кунда Дилфуза тармоқ нормасидан юқори зичликда ишлаб смена топшириқларини 110—115 процентга етказиб адо этмоқда ва маҳсулотнинг асосий қисмини аъло сифатда тайёрламоқда.

СУРАТДА: илғор йигирувчи Дилфуза Абдумуталова.

Т. Каримов фотоси.



# Ботирлигим боиси

Раддия

Почта қутисини очсам хат бор. Фамилия йўқ, аммо хат бизга, чунки уйимиз адреси аниқ ёзилган: Тошкент шаҳар, Космонавтлар проспекти, 12-уйнинг 145-квартираси. Расмий хат. «Служебное заказное». Тинчликмикан, ишқилиб...

Алланечук бўлиб конвертни очдим. Ичидан махсус бланка чиқди. Ўқий бошладим:

**«Республика шаҳарлараро телефон станцияси Сизга шуни эслатадики, 56-74-27 номерли телефонингиз орқали бошқа шаҳардаги абонент билан сўзлашганингиз учун 1 сўм 90 тийин қарздор бўлгансиз.**

**Беш кун муҳлат ичида ана шу қарзни Навоий кўча, 26-уйда жойлашган алоқа бўлимига тўлаб, бизга бу ҳақда 44-56-04 телефони орқали хабар қилиб қўйишингизни сўраймиз.**

**Оператор —имзо.**

**Тўлаш муддати — 1986 йил, 12 апрелгача.**

**Илова: мазкур огоҳлантириш хати қайта эслатмай туриб телефонингизни узиб қўйиш ҳуқуқини беради.**

**Республика шаҳарлараро телефон станцияси. Абонентлар участкаси бошлиғи».**

На фамилияси бор, на имзо.

Ҳо, ёқмай қолсин! «1 сўм 90 тийин қарзингизни фалон ерга тўлаб, фалон телефон орқали бизга маълум қилиб қўйинг» эмиш! Нозик кўнгилларига қўтир жомашов тўғри келмасмикан, мабодо? «Мазкур огоҳлантириш хати қайта эслатмай туриб телефонингизни узиб қўйиш ҳуқуқини беради» деган дўқ-пўписалардан ҳам қўрқмайман. Узиб қўйиш тугал, аппаратни чилпарчин қилиб ташлаймиз, десалар ҳам тап тортадиган жойим йўқ...

Бу қадар ботирлигимнинг боиси эса оддий: квартирага телефон тушириш учун ариза берганимга икки йилча бўлиб қолди, лекин ҳали ўрнатиб беришганича йўқ.

Ана шунақа гаплар. Емаган сомсага пул тўлайдиган аҳмоқни бошқа маҳалладан қидириб кўришсин.

Т. СОБИТОВ.

ЖАМИЯТ ВА ҚОНУН

# ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИК

**Ўзбекистон ССРнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги Кодекси кучга кирганига икки ойдан кўп вақт ўтди. Ушбу Кодекснинг мақсади ва вазифалари нималардан иборат?**

**А. ШАРИПОВ, ишчи.**

1985 йил 13 декабрда ўн биринчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг иккинчи сессиясида Ўзбекистон ССРнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги Кодекси қабул қилинган эди. У 1986 йил 1 мартдан бошлаб кучга кирди. Шу пайтга қадар ҳуқуқбузарлар турли вақтларда қабул қилинган турли норматив, актлар асосида маъмурий жавобгарликка тортилиб келинар эди. Эндиликда бу актлар ягона Кодексга мужассамлаштирилди ва давлат органлари, жамоат ташкилотлари, меҳнат коллективлари учун ушбу қонунчиликни қўллашда анча қулайлик туғилди. Ушбу Кодекс социалистик мулкни сақлаш, гражданларнинг социал-иқтисодий, сиёсий ва шахсий ҳуқуқларини, шунингдек корхоналар, муассасалар ҳамда ташкилотларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, давлат ва жамоат тартибини сақлаш, социалистик қонунчиликни мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарлик ҳолларининг олдини олиш каби мақсадларни ўз олдига вазифа қилиб қўяди.

Давлат органлари, жамоат ташкилотлари, меҳнат коллективлари маъмурий ҳуқуқбузарликка, унинг содир бўлиш сабабларини аниқлашга ва маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳолларининг олдини олишга, бундай ҳоллар содир этилишига имкон берувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этишга, гражданларни юксак онглилик ва интизомлилик, совет қонунларига оғишмай риоя қилиш руҳида тарбиялашга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқадилар ва уларни амалга оширадилар.

Халқ депутатлари Советлари қонунга риоя қилинишини таъминлаб, маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳолларининг олдини олиш масалалари билан боғлиқ давлатнинг ҳамма органлари ва жамоат ташкилотларининг фаолиятини уйғунлаштиради, ички ишлар органларининг, маъмурий ва вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияларнинг фаолиятига раҳбарлик қилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик деганда давлат ёки жамоат тартибига, социалистик мулкка, гражданларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, бошқарув юзасидан белгиланган тартибга тажовуз қилувчи ғайриҳуқуқий ҳаракат тушунилади. Бунда айбдор бўлган шахсни қонунларга биноан маъмурий жавобгарликка тортиш кўзда тутилади.

Шу нарсани ёдда тутмоқ зарурки, Ўзбекистон ССРнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги Кодексида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жавобгарлик башарти бу ҳуқуқбузарлик ўз хусусиятига кўра амалдаги қонунларга биноан жиноий жавобгарликка тортишга сабаб бўлмаган тақдирда амалга оширилади.

**Маъмурий ҳуқуқбузарларга нисбатан қандай чоралар қўлланиши мумкин?**

**Р. ТОЛИПОВ, ҳайдовчи.**

Юқорида қайд қилинган Кодекснинг 24-моддасида маъмурий жазонинг турлари қайд қилинган. Унга кўра содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳаракатлари учун огоҳлантириш, жарима солиш, маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳаракатини содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай объект бўлган буюмни ҳақ тўлаш шарти билан олиб қўйиш, маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳаракатини содир этиш қуроли ҳисобланган ва бевосита шундай объект бўлган буюмни мусодара қилиш, муайян гражданни унга берилган махсус ҳуқуқдан (транспорт бошқариш ҳуқуқидан, ов қилиш ҳуқуқидан) маҳрум қилиш, ахлоқ тузатишга жалб этиш, маъмурий қамоққа олиш жазо чоралари қўлланиши мумкин.

Маъмурий жавобгарликка тортилиш ёши Кодекснинг 13-моддасида ўн олти ёш этиб белгиланган, маъмурий ҳуқуқбузарлик қилган ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган шахсларга нисбатан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми томонидан тасдиқланган вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссиялар тўғрисидаги Низомда кўзда тутилган чоралар қўлланилади.

**Қўлланиладиган жазо турларининг орасида ахлоқ тузатиш иши ҳам белгиланган. Бунинг мазмуни ва бу жазо турининг жиноят қонунчилиги бўйича ўрнатилган ахлоқ тузатиш ишидан фарқи нимада?**

**Б. САФАРОВ, хизматчи.**

Ахлоқ тузатиш иши уни маъмурий ҳуқуқбузарлик содир қилган шахс доимий ишлаб турган жойда ўташ ва унинг иш ҳақидан давлат даромадига йигирма процентгача ҳақ ушлаб қолиш шарти билан икки ойгача муддатга қўлланилади. Ахлоқ тузатиш иши район (шаҳар) халқ суди (халқ судьяси) томонидан тайинланади. Ахлоқ тузатиш иши бериш муддати, агар қонунчиликда бошқа муддат белгиланмаган бўлса, ўн беш кундан кам бўлмаслиги керак.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги қонунчиликда ўрнатилган ахлоқ тузатиш иши жазосининг жиноят қонунчилигида ўрнатилган бундай жазо туридан фарқи аввало шундаки, юқорида айтиб ўтганимиздек, маъмурий жавобгарлик ўз хусусиятига кўра амалдаги қонунларга биноан жиноий жавобгарликка тортишга сабаб бўлмаган тақдирда амалга оширилади.

Маъмурий йўл билан ахлоқ тузатиш ишига жалб қилиш жиноий қонунчиликдаги бундай жазо туридан яна жазо муддатлари билан ҳам фарқ қилади, яъни маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги Кодексда ахлоқ тузатиш иши 15 кундан 2 ой муддатгача, жиноят қонунчилигида эса 1 ойдан 2 йилгача муддатгача этиб белгиланган.

**М. ХЎЖАЕВ,**
**Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети юстиция бўлими бошлиғининг ўринбосари.**

ДУНЁ ХАБАРЛАРИ

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ЕЗАДИЛАР

# Советларга қарши кампанияга зарба

**ПРАГА.**

**ГФРда советларга қарши кампаниянинг ташкилотчилари Чернобиль АЭСидаги авариядан Ғарбий Германия аҳолиси ўртасида қўрқув ва васвасани авж олдириш учун фойдаланишга уринмоқдалар, деб ёзади бугун «Руде право» газетаси ўз шарҳида. Авария сабаблари ва унинг эҳтимол тутилган оқибатлари билан баъзи ҳукумат органлари, сиёсий ташкилотлар ва илмий муассасаларгина эмас, шу билан бирга аҳолини психологик чалғитишда устаси фарангларнинг бутун-бутун штаблари ҳам қизиқмоқдалар. Психологик уруш корчалонлари буржуа матбуотининг талайгина қисмини ишга солиб Совет Иттифоқининг обрўсини тўкишга жон-жаҳдлари билан уринмоқдалар. Аммо антикоммунистик пропаганда тарқатаётган бир-бирига зид фактлар пировард натижада ички бозорда ваҳима уйғотмоқда, эндиликда ички бозорда ҳатто парникларда етиштирилган сабзавот ҳам жуда қийинчилик билан сотилмоқда. Ғарбий Германия шаҳарларининг аҳолиси аптекалардаги дориларни кўплаб сотиб олмоқда. Бонн маъмурларининг ўзлари эътироф этганидек, ҳаётига заррача нарса хавф солмаётган бегуноҳ кишилар инсонларнинг фожиасидан ҳам шубҳали сиёсий наф кўриб қолишга интилаётган кимсаларнинг нотўғри ахбороти, ёлғон ва туҳмат-бўҳтон гапларининг жабрдийдалари бўлиб қолдилар, деб уқтиради «Руде право» газетаси.**

**ДЕҲЛИ**

**Чернобиль АЭСидаги авария муносабати билан ғарбда авж олдирилаётган ғаразли пропаганда шовқин-сурони Совет Иттифоқига қўпол ҳужумлар қилиш ва халқаро жамоатчилик фикрини чалғитиш учун фойдаланилмоқда. АҚШда ва бошқа ғарб мамлакатларида авария районидаги вазият тўғрисида тарқатилаёт.-ган иғвогарлик уйдирмаларини кескин танқид қилаётган Ҳиндистон матбуоти шундай хулосага келади. СССРга қарши қаратилган душманлик кампанияси амалда Вашингтоннинг космосни ҳарбийлаштириш ва қуролланиш пойгасининг янги даврасини авж олдириш режалари дунёга солаётган реал хавф-хатарни ошириши керак деб таъкидлайди ҳафталик «Нью эйж» газетаси.**

**Чернобиль АЭСидаги авария СССРга қарши «психологик уруш»ни кучайтириш учун бир баҳона бўлди деб ёзади «Нью уэйв» газетаси. Газета 1979 йилнинг ўзидагина Америка атом электр станцияларида 2300 дан кўпроқ турли авариялар, бузилишлар ва бошқа ҳодисалар рўй берганлигини эслатиб ўтади. Пентагоннинг жаҳон океанидан ядро чиқитлари ахлатхонаси сифатида фойдаланаётганлигини жамоатчиликдан яширмоқдалар. 1946 йилдан 1970 йилгача радиактив чиқитлар солинган 89 мингдан кўпроқ контейнер океан остига чўктирилди. Ҳозир ана шу чиқитлар океан ўсимликлари ва мавжудотларигагина хавф солиб қолмай, шу билан бирга инсоният ҳаёти учун ҳам жиддий хавф-хатар вужудга келтирмоқда, деб таъкидлайди «Нью Уэйв» газетаси.**

**МЕХИКО.**

**Чернобиль АЭСидаги авария теварагида ғарбда кўтарилган шов-шув сиёсий мақсадлар билан изоҳланади, деб ҳисоблайди физика фанлари доктори Мексика миллий атом университетининг профессори Карлос Бунхе. Бу авария сўзсиз катта бахтсизликдир, деб ёзади олим «Хорнада» газетасида эълон қилинган мақоласида. Аммо ғарбнинг оммавий ахборот воситалари хавф-хатар кўламларини жуда бўрттириб кўрсатмоқда ва ўз мамлакатларининг аҳолисини чалғитмоқда.**

**Ғарб, дейилади мақолада, совет ҳукумати гўё авария тўғрисида «кеч» хабар берди деб СССРга таъна қилмоқда. Бунда АҚШ Пенсильвания штатининг Тримайл оролидаги АЭСда 1979 йилда содир бўлган «ҳодиса» тўғрисида бир неча ой ўтгандан кейингина маълумотлар берганлиги тўғрисида лом-мим дейилмаяпти.**

✦ ДЕҲЛИ.

Ҳиндистон хавфсизлик кучлари кеча Панжоб чегара штатида ташқаридан мадад олиб ҳаракат қилаётган Сикх экстремистларига қарши янги операциялар ўтказдилар. Маҳаллий матбуотнинг хабарларига кўра, террорчилардан ўн киши қамоққа олинди. штатнинг турли районларидаги уларнинг махфий базалари тугатилди. Панжоб штатини ажратиб олиб, у ерда «Халистон давлати» барпо этишга қаратилган кенг кўламдаги фитна мавжудлигини эътироф этди. У Ғарбда уя қуриб олган сикх экстремист ташкилотларининг бошлиқлари фитна режасини ишлаб чиқишда фаол иштирок этганликларини маълум қилди. Покистон территориясида ҳарбий тайёргарликдан ўтаётган террорчиларга фитна-

# Панжобдаги аҳвол

Панжоб бош министри С. С. Барнала ҳукумати Амбритсар округида, Таран-таран, Лудхияна ва бошқа шаҳарларда вазиятни нормаллаштириш тадбирларини кўрмоқда. Маълумки, ана шу округ ва шаҳарларда С. Сайянвал бошлиқ миллатга қарши унсурларнинг ҳуружлари натижасида кескинлик ҳамон сақланиб қолмоқда.

Яқинда қамоққа олинган ашаддий террорчи Гурсевак Сингх тергов чоғида Ҳиндистонни территориал жиҳатдан парчалаб юборишга, нинг бевосита ижрочилари бўлиш вазифаси топширилган.

Ҳиндистон-Покистон чегарасини қўриқлаш юзасидан маъмурлар зўр чора-тадбирлар кўрганлиги натижасида кейинги ойда хавфсизлик кучлари Покистон агентларининг республика территориясига суқулиб киришга уриниб қилган кўпдан-кўп ҳаракатларини барбод этишга, кўплаб жосуслар ва диверсантларни қўлга туширишга муваффақ бўлдилар.

# Жиноятчи устидан ҳукм чиқарилди

✦ БЕЛГРАД.

Югославия оккупация этилган йилларда фашистлар «Хорват давлати»нинг ички ишлар министри бўлган ҳарбий жиноятчи А. Артуковични бугун Загреб округ суди ўлим жазосига ҳукм қилди. Танюг агентлиги шуни маълум қилди. Кўп йиллар АҚШда яшириниб юрган нацист жаллоддан адолатли қасос олинадиган бўлди.

Судда ўқилган айбловчи хулосада иккинчи жаҳон уруши йилларида Артукович тинч аҳолини ёппасига отиб ташлаш, асирга олинган партизанлар ва подпольечиларни йўқ қилиш тўғрисида шахсан буйруқлар берган. Ҳужжатларнинг рад этиб бўлмайдиган далилларича Югославияда қамоқ лагерларини очиш тўғрисидаги кўплаб буйруқлар остида Артуковичнинг шахсий имзоси турибди. «Ясеновац» қамоқ лагерининг ўзидагина Усташи-хорватия фашистлари 700 минг кишини, шу жумладан хотин-қизлар ва болаларни қириб ташлаганлар. Суд мажлисида сўзлаган кўпдан-кўп гувоҳлар «балкан Гиммлери»нинг буйруғига биноан қилинган ёвузликлар ҳақида гапирдилар.

Загребдаги суд мажлиси муносабати билан «Борба» газетаси таъкидлаб ёзадики, Америка ва Англиянинг разведка хизматлари Артукович ва Югославия халқининг бошқа кўп жаллодларини ғарбга қочиришда ёрдам берганлар. Ҳафталик «Коммунист» газетаси Артукович ўзини «озодлик ва демократия тарафдори» деб кўрсатаётган Қўшма Штатларда бемалол яшаган. У Америка маъмурларига ашаддий антикоммунист сифатида керак бўлган. Нацист жиноятчилар қаерларда биқиниб юрганликлари ва уларга кимлар ҳомийлик қилаётганлиги маълум бўлса-да, уларнинг анчаси судга тортилмаган ва муносиб жазо олмаган. Фашизмга қарши курашда ҳалок бўлган миллион-миллион кишиларнинг хотираси ҳурматига ҳарбий жиноятчилар жазоланишлари керак.



# Ҳарбий қудратга таяниб



**Вашингтоннинг расмий маъмурияти тутаётган йўл Марказий Америкада революцион кучларни тор-мор этишга қаратилган бўлиб, бу ўзбошимчалик ана шу регионда зиддиятларни ҳал этиш йўлида асосий тўғоноқ бўлиб қолмоқда. Қўшма Штатлар ҳарбий кучга таяниб, бу ерда ғоятда хавфли вазиятни юзага келтирмоқда.**

**АҚШ Никарагуага қарши «эълон қилинмаган урушни» давом эттирмоқда. АҚШ армияси Гондурасни деярли босиб олиб, бу мамлакатни Никарагуага бостириб кириш учун плацдармга айлантирмоқда. Қўшма Штатлар яна бир қўшни революцион республика — Коста-Рикани ҳам ўз домига тортиш ҳаракатида. Вашингтон маъмурияти ҳокимият тепасида қўғирчоқ Хосе Наполеон Дуартени сақлаб қолишга тиш-тирноғи билан ҳаракат қилиб, чириб кетган Сальвадор тузумига ҳарбий ва молиявий ёрдам беришни кучайтирмоқда. АҚШ ҳарбий идоралари ана шу Марказий Америка мамлакатига оғир жанговар вертолётлар ва самолётлар етказиб бермоқда. Бу ҳарбий анжомлар деҳқонларнинг тинч қишлоқларини ваҳшиёна бомбардимон қилишда шафқатсизларча ишлатилмоқда. Америка ҳарбий маслаҳатчилари тинч аҳолини азоб-уқубатларга мубтало қиладиган, ваҳшийларча жазолар берувчи Дуарте армиясининг каллакесар жазо батальонларини ўргатмоқдалар. Оммавий таъқиблар ва шафқатсиз ўч олишлар натижасида 467 мингдан зиёд сальвадорлик аҳоли ўзининг она-Ватанида қувғин бўлиб юрибди.**

**СУРАТЛАРДА: Америкада тайёрланган самолётлар Сальвадор тинч қишлоқларини бомбардимон қилмоқда; қочоқлар ўзининг мамлакатида.**

ТАСС фотохроникаси.

